

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ОЛИСАРЗ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚҮМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИННИГ БОШ НАШРИ

РУЗНОМА 1928 ИИИ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

• 1991 йил 6 апрель • шанба •
№ 67 (10.063). Баҳоси 10 тийин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

5 апрелда Узбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг пленуми бўлди. Пленум «Узбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича Узбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг 1991 йил амалий тадбирлари режаси тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Шу масала юзасидан пленумда вилоят партия комитетининг котиби В. Г. Гордиенко сўзга чиқди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келган Ш. И. Жалилов вилоят партия комитети бюросининг аъзоси, вилоят партия комитетининг котиби ва мафкура комиссиясининг раиси этиб сайди.

Ш. О. Дадаев Узбекистон ССР ўрмон Давлат комитети раисининг ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан пленум уни вилоят партия комитети бюро аъзоси ва котиби вазифаларидан озод қилди.

Илгари Бекобод район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Ж. Ж. Шарипов вилоят партия комитетининг бюро аъзоси, вилоят партия комитети-

нинг котиби ва аграр сиёсат бўйича комиссия раиси этиб сайданди.

Узбекистон Компартиясининг Устави бўйича Тошкент шаҳар партия ташкилотига мустақил вилоят партия ташкилоти мақоми берилганлиги муносабати билан Тошкент шаҳри партия ташкилотларидан вилоят партия комитети аъзолигига кўрсатилган кишилар вилоят партия комитети таркибидан чиқарилдилар.

Пленум шунингдек Т. М. Қозоқбоев бошқа ишга ўтганлиги — Узбекистон касаба уюшмаларининг ҳафталиқ «Ишонч» рўзномаси бош муҳаррири этиб тасдиқланганлиги муносабати билан уни вилоят партия комитети умумий бўлими мудири вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Илгари «Ташкентская правда» рўзномасининг муҳаррири бўлиб ишлаган Н. Я. Ковалев вилоят партия комитети умумий бўлими мудири қилиб тасдиқланди.

Пленумда Узбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқди. Пленум ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби А. Абдувосиқов қатнашди.

УЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

УЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
«ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ
ТУҒРИСИДА»ГИ 74-СОНЛИ 1991 ЙИЛ 29 МАРТ
ҚАРОРИНИ ҚИСМАН УЗГАРТИШ ҲАҚИДА»

Вазирлар-Маҳкамаси гўшт ва гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини сотища юз берган вазиятни эътиборга олиб ҳамда компенсация тўловларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олиб, СССР Президентининг 1991 йил 28 мартағи мурожаатига мувофиқ қарор қилди:

1. Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш тұғрисида»ги 74-сонли 1991 йил 29 мартағи қарорига 1-иловани ўзгартириб, иттифоқ нархлари асосида 1991 йил 8 апрелдан бошлиғи ёнгюзори чакана нархлар гўштга — 7 СУМ, сарнёғга — 10 СУМ, сутта — 50 ТИИИН миқдорида белгилансин.

2. Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Узбекистон ССР Давлат Нарх Комитети, Узбекистон ССР Савдо Вазирлиги, Узбекбирашув, Қорақалпогистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети гўшт-сут маҳсулотлари етказиб берадиган бошқа жумхуриятлар билан мустаҳкам хўжалик алоқалари ўрнатсинглар, шунингдек тапкилар интисодий ташкилотлар билан биргаликда бу маҳсулотларининг ресурсларини кўпайтириш учун қўшимча манбаларни таъминласин.

Нархларни ошириш фантларига қатъий чек қўйилсин, нархларни ҳамда бу маҳсулотларни етказиб бериш тартибини бузувчиларга нисбатан қатъий чоралар кўрилсин.

3. Узбекистон ССР Қишлоқ Ҳўжалик Вазирлиги, «Узбекистон мева-сабзавот ва вино саноати» концерни, Уз-

бекистон ССР Савдо Вазирлиги, Узбекбирашув, Қорақалпогистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети гўшт-сут маҳсулотлари етказиб берадиган бошқа жумхуриятлар билан мустаҳкам хўжалик алоқалари ўрнатсинглар, шунингдек тапкилар интисодий ташкилотлар билан биргаликда бу маҳсулотларининг ресурсларини кўпайтириш учун қўшимча манбаларни таъминласин.

5. Узбекистон ССР Молия Вазирлиги гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари нархларидаги тафовутни савдо ташкилотларига тўласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

• Ҳамма—жумҳурият ҳашарига

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

КУНИ кече матбуотда Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Узбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Узбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти ва жумхурият меҳр-шафқат жамгармаси ташкилотларининг В. И. Ленин туғилғига 121 йиллиги шарафига 20 апрель куни жумхуриятимизда умумхалқ ҳашарини ўтказишига чорлаган мурожаати ёълон қилинди.

Узбекистоннинг барча ҳалқига қаратилган бу мурожаатнинг ўзига хос томони шундаки, ана шу умумхалқ ҳашаридаги фаол иштирок этган ҳар бир киши ҳалқимизга меҳр-шафқат, муруват кўрсатган, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштирган, ижтимоий масалаларни ҳал этишига ўзининг ҳиссасини қўшган бўлади. Энг мудими шу куни ишлаб топилган маблаг ҳар бир худуддаги муаммоларни ҳал этишига сарфланади.

Мурожаатнома ёълон қилинган дастлабки кунданоқ рўзномамизга жойлардан, корхона ва ташкилотлардан, муассасалардан уни қўллаб-қувватловчи мактублар кела бошлади. Телефон қўнгироқлари бўлмоқда. Қўйида уларнинг дастлабкисини ёълон қилияпмиз.

БАРЧА ИШТИРОК ЭТАДИ

РАЙОНИМIZДА умумхалқ ҳашарини уюшқослик билан ўтказиш учун зарур ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда уни ўтказувчи штаблар тузилди. Шуни алоҳида ташкидлашмай керакки, райондаги «Ленинград» жамоа хўжалиги ҳамда «Правда» газетасининг 50 йиллиги шуроҳ хўжалигининг меҳнат жамоалари биринчи бўлиб бу мурожаатномага амалий иш билан жавоб бердилар. З апрель куни районнимиздаги мактабларнинг бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ташаббус билан чиқиб умумхалқ ҳашаридаги фаол иштирок этишига, шу куни давлатларга, боғларга чиқиб дехонларга узум очиш, сабзавот, экин-тиқин ишларда баҳоликудур. Саноат корхоналари ҳам

умумхалқ ҳашаридан четда колмайдилар. Товоқсој маиний химия фабрикаси ва бошқа бир қатор завод ва фабрикаларнинг жамоалари шу куни ўз меҳнат жойларидага ҳар қачонгидан ҳам унумли ва баракали ишлаб, топилган маблагнинг бир қисмини ижтимоий масалаларда, яна бир қисмини Бўстонлиқ экологиясини соғломлаштиришга ўтказишмоқчи.

Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра умумхалқ ҳашаридаги 80 минга яқин киши иштирок этади. Уларнинг 50 минги бевосита ишлаб чиқариша меҳнат қиласиди. 30 минга яқини кўқаламзорлашириш, ободонлаштириш ва бошқа ишларда қатнашади.

9. КАРИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ район партия қўмитасининг иккичи котиби.

Инсон тўғрисида ғамхўрлик билан

Узбекистон ССР Президенти, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов 5 апрель куни Тошкент шаҳridagi маҳалла комитетларининг фаоллари, олий ўқув юртларининг ректорлари, техникумларнинг директорлари, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашиди.

Чакана нархларни ислоҳтиришга бозор муносабатларига ўтилиши билан боғлиқ равишда Узбекистон аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишининг аниқ чора-тадбирларини амалга оширишига даҳлдор масалалар учрашив қатнашчиларининг диккат марказида бўлди. Меҳнаткашлар турмушининг маданий-майший шароитларини

яхшилаш, интизом ва тартиби ҳамда топширилган иш учун масъулиятни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда жамоат ишлаб чиқарниши самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида манбаётдорлик билан қизғин гаплашиб олинди, республика пойтахти аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун қўшимча ресурслар ва имкониятларни излаб топишга доир аниқ тақлифлар киритиди.

И. А. Каримов тўпланганларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда Узбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашди.

(УЗТАГ)

• Дала ишлари кундалиги

ҲАВО ТУРИБ БЕРСА...

ҲОЗИРЧА ҳаво дехқон фойдасига ишләяпти. Тупроқ қизиб ер етилаяпти. Паҳтакор учун айни муддо бу.

Вилоят дехқончилик-ширкат уюшмаси рансининг ўринбосари Раҳим Нурматовнинг ишонч билан айтишига қараганда, агар об-ҳаво туриб берса чигит экшишин ўн иш кунидаги тугаллаб олишин мўлжал қилиб турибдилар. Бунинг учун эса паҳтакор бошқа экин-тикин ишлари, дейлик, озуқа лавлагиси, беда, дон ва силос учун маккажўхори сингари экинларни экшишин бугун-эрта тугаллаши керак бўлади. Ҳозир шунинг ҳаракатини қилишадиги.

Айни кунларда шу билан бирга ҳар бир район, ҳар бир хўжаликда чигит экшиша ишлатиладиган ва таъмирлаб юйилган техника, энг биринчи навбатда сеялкалар қандай созланганлиги обдон текшириб кўримоқда. Зотан, бу иш қанчалик синчковлами билан ўтказилса, экшиш ишлари шунчалик осон кўчади.

Чигит экшиша бу йил 2 мингта сеялкандан фойдаланилади. Экилажа аъзолари моҳир механизаторлар, тажрибакор дехқонлардан танланган. Улар ўз маҳоратларини қайта-қайта синаб кўрмоқдалар.

Сир эмас, бир вақтларн ҳар бир ишда сон орқасидан қувнайларди. Ундан қилдик, бундай қилдик, деб тезроқ юқорига маълумот бернишга шошилардилар. Бозор иктиносидига кучга кирган ҳозирги шаронтида экшиш ишлаш кони зиёнилигини энди ҳамма яхши билади. Шунинг учун ҳар бир тадбирда пухта ҳисоб-китоб ва пировардидаги кўриладиган наф ўйлаб кўрилаётir.

Вилоятимизда кўп йиллардан бўён толаси дағал хисобланган паҳтанинг С-4880 нави экиб келинади. Ҳосилдорлик ҳисобга одинарди-да фақат. Бугун эса саноатчилар бизга фақат юқори сифатли, толаси майин паҳта берсанг ҳақини яхши тўлаймиз, деб турнишибди. Бу талабни инобатга олмасдан бўладими? Шунинг учун ҳам паҳтанинг С-4880 навидан воз кечилаётir.

Бу йил вилоятимизда паҳтанинг 4-тип тола берадиган С-6524 нави экилади. Дастлабки йилларда бу навнинг агротехникасини ўзлаштирища баъзи тушунмовчиликлар бўлди, ҳозир дехқонларимиз уни мукаммал ўрганиб олишган. Бундан ташкири қисман ерлардан АН-Боёвут-2, «Қирғиз», «Наманган-1» навлари ҳам экилади.

Шуни айтиши керакки, бу уруғликлардан 8100 тоннаси дориланиб, жойларга олиб бориб кўйилди. Албатта, экшиша нормага қатъни амал қилинини ҳам назорат қилинади. Чунки уруғликнинг ҳам нархи иккича барвар ошиб кетган. Ҳар бир килограмми тежалмаса бу ҳам дехқоннинг чўтагига зиён.

Иннайейин районларнинг тупроқ, иқлим шаронти ҳам ҳисобга олинади. Айрим районларда паҳта учун ажратилган майдонлар қора тупроқни, қатқалоқка мойиллар. Шунинг учун бундай районларда туксизлантирилган чигитни ҳар гектарига 25—30 килограммдан сарфланаб экшиш режалаштирилган. Нам тез кўтарилиб кетадиган Пискент, Бекобод сингари районларда эса, албатта, тукли чигит экшиши устидан назорат қилинмаса бўлмайди.

Қисқаси, паҳта далаларида эрта-индин ёппасига экшиши кучайтириш тарафдуди кўрилаётir. Энг аввало ери тикис қилиб тайёрлашга, боронала бор намни сақлашга зътибор бернилаётir. Шундай қилинсанги уруғликни ернинг табиий намига ундириб олиш мумкин бўлади. Бу ишга зарур техникалар сафарбар этилган. Ҳар куни 12—13 минг гектар майдон экшиша тайёрлананаётir.

Мутахассисларнинг гувоҳлик бернишича, Фалаба, Коммунистик, Ўрта Чирчиқ районларидаги чигит экшиши мавсумига тайёргарлик, айниқса, яхши ташкил этилган. Уларда ҳар бир тадбирни ўтказишда сифат асосий ўлчов қилинётir.

Ҳамма ерда ишни илфорлар тажрибаси асосида ташкил этишини амалда йўлга кўйини керак. Чигитни вақтида, маромида, ер оби-тобидалигига экиб олиш эса бўлгуси мўл ҳосилнинг дастлабки заминидир.

Қишлоқ ҳўжалиги бўлими.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ИМКОНИЯТ ТОПИЛДИ

РУЗНОМАМИЗНИНГ шу йил 7 февраль сонида «Президент Фармони қандай баҳарилмоқда?» руҳни билан «Ҳа! Йўлнанда ким сенга...» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мазкур мақолада жумхурят Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бернишича имтиёзлар берниши, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳакими ошириш тўғрисида» ги 1990 йил 13 февралдаги Фармонини бажариш юзасидан Тошнижрокум 1991 йил 5 февралдаги 43/2-сонли қарор қабул қилингани мълум қиласди.

Қарор қабул қилиншнинг кечикиши ўзбекистон ССР Президенти Фармонини амалга ошириш учун етариғ маблағини маҳаллий бюджетдан излаб топиш билан борглини.

Гарчи қарор 1991 йил 5 февралда қабул қилинган бўлса-да, коммунал хизматлар ва турар-жой учин тўлов бўйича ўқитувчиларга имтиёзлар Узбекистон ССР Президенти Фармонига мувофиқ 1991 йил 1 январидан бошлигига В. М. Ким имзоли билан амалга ошириллади:

«Бошқарма Узбекистон ССР Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қў-

ЧОРВАЧИЛИК «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

ЯХШИ-Ю, БИРОҚ КЎНГЛИМИЗ ТЎЛМАЯПТИ

ҲАР СОҲАДА бўлганидек, чорвачиликда ҳам қилинган ишларга эришилган натижаларга қараб баҳо берилади. Айни пайтдаги натижанинг салмоқли бўлиши эса қишлоғининг қандай якунланаётганлигига бοғлиқ.

Мақтаниш эмас-ку. — дейди Оқиўргон районидаги Вотинцев номли колхознинг зоотехники Уммат Қурбонов. — Биз маъсулитини ҳис этиб, энг аввало мўлжалдагидан ошириб, хилма-хил қилиб ем-ҳашак тайёрлашга алоҳида зътибор бердик. Аввалин йиллардагидек унча пичан тайёрладик, бунча сирос бостирик, деб хотиржамлини берилимадик, аксинча ҳисобкитоб билан иш олиб боришига, тежамли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Бутун қиши давомида молларга тузиб чиқилган рацион асосида озуқа бериб борилди. Турли витаминалар билан бойитилган лавлаги, беда уни ўчишларни арашди озуқани моллар чиқитга чиқармади, ҳисоб. Шунинг учун сутуни камайтиради. Ҳозиргача

ўтган йилнинг биринчи кварталига қараганда 15 тонна-ю 800 килограмм кўп сут, 9 тоннаю 400 килограмм кўп гўшт олинди. Тұхум ҳам анча кўпайди.

Ферманни айлануб молбоқлар, сут соғувчиларнинг иши билан танишиб, зоотехникнинг гаплари ростлигига ишондим. Бу ерда 900 бosh қорамол, 350 соғин сиғир боқилмоқда. Маҳбуба Гозиқулова, Муборак Ортикова сингари сут соғувчилар, Махмад Шерназаров, Абдураҳим Үринбеков сингари молбоқлар, Үрингул Исаева, Мұхаббат Аҳмедова сингари бузоқбоқларнинг хизмати катта бўлаяпти.

Паррандачиликда пудратнинг қўлланиши яхши самара бермоқда. Ҳусанбой Үринбеков оиласи меҳнати ибратлидир. Бу оила 10 минг бошдан ортиқ паррандага қарамоқда. Ўтган йилдагига нисбатан маҳсулотнинг кўпайганлиги — бу пудратнинг афзаллигидир. Қишлоғининг қолган кунларини ҳам муввафқарларнинг хизмати катта бўлаяпти. Мақсадимиз молларнинг оғзи тезроқ қўйка тегса деймиз. Ана шунда маҳсулорлик ортади.

Бу гаплардан кўриниб турибди, хўжаликда чорвадорлик касбига астойдил меҳр кўйган одамлар меҳнат қилишади. Меҳр ва ихлос бўлган ерда эса ютуқлар кўпайниши шубҳасиз.

О. ТУРАҚУЛОВ,
«Мўл ҳосил учун» газетаси қишлоқ ҳўжалиги бўлими мудири.

• Эртага—Геологлар куни

ЯНА БИР ОЛТИН КОНИ

Шарқий Қурама геология қидириу экспедицияси қиши толмас изловчилари катта меҳнат ғалабасини кўлга киритдилар. Улар узоқ давом этган қидириу мишлиридан сўнг республикамиз ер ости бағридаги яна бир олтин конни очдилилар. Қизил олма деб номлашни мувофиқи бу кон давлат заҳиралар бўйича комиссияси томонидан қаъло баҳо билан қабул қилинди.


Қизил олма конининг очиши тарихи жуда қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Бу ерда қидириу ишлари неча асрлар давомида олиб борилган. Маълумки, Оҳангарон дарёси воҳасидаги IX—XI асрларда Илон давлати бўлган эди. Унда кончилк ишлари анча юксак ривожланганди. Ҳудди шу ерда кон қидириш ишлари қолдиқлари, шлак майдонлари, ўша вақтдаги кон асбоб-ускунлари деталлари қисмлари бизнинг давримизга сакланниб қолинди. Ўрта Осиё олимларининг далолат беришига қараганда, бизнинг ўтмишдаги аждодларимиз худди шу ерда олтин ва кумуш, мис ва кўргошин қазиб чиқаргандар. Илон давлати ёмирилгач, эса бу ерда олиб борилган кончилк ишлари ҳам таназзулга юз тутди.

Республикамизнинг айрим геолог олимлари бу ерда кончилк ишларини тикилаш зарурлигини бир неча бор таъкидлайдилар. Ба, ниҳоят, 1959 йилда Узбекистоннинг кўзга кўринган геологи, ССР давлат мукофотининг лауреати Г. И. Малматин ўрта аср кончиларининг қимматли майдонлар қазиб чиқаргандарга қидириу ишларини давом эттириш таклифи билан чиқди. Уни амалга ошириш осон кўчмади, жуда қийин бўлди. Кўпдан-кўп тўсикларни бартараф этишга тўғри келди. Бу ерда қимматли қазилма бойликларни борлигига қатъни ишонган геологлар ғолиб чиқдилар. Албатта, қидириу ишлари давомида ютуқларга ҳам эришилди, хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Кон топиши ишлари жуда қўзилиб кетди. Бутун бир кўлда дуч келинди. 150 метр чукурликда жойлашган бу кўлда 160 минг куб метрдан ортиқ сув тўпланди. Бу сув ҳам насос

лар ёрдамида ташкирига чириб ташланди.


Ниҳоятда мураккаб шароитларда 20 йил давомида ишлашга тўғри келди. Натижеда «Қидириу» шахтаси курилиши тугалланди. Бу ишда А. Уразалиев раҳбарлигидаги бригада жамоаси жонбозлик кўрсатди. Турли миллат вакилларини ўз сафига бирлаштирилган бригада аъзолари бутун тажриба ва маҳоратларни сарфлаб ишладилар. Янги иш усуларини кўлландилар. Геологлар билан яхин мuloқотда меҳнат қилдилар. Уларнинг маслаҳатларига кулоқ солдилар. Штолнянинг ҳар бир метри мустақам ва сифатли курилишига эришилар. Ниҳоят янги олтин кони фойдаланиш учун топширилди. Бу кўп кишилик геологлар жамоасининг ўз касб байрамларига муносиб меҳнат совғалари бўлди.

Н. ИВАШКЕВИЧ.



• УШБУ суратда А. Уразалиев (олдинда, чапда) раҳбарлигидаги илгор кон очувчилар бригадаси аъзоларини кўриб турбисиз.

Муаллиф сурати.

33 7010 325778
325645

ЎЗБЕК ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг муддофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитасининг ташаббусига биноан ўтказиладиган бу слётта ўзбекистондан ҳарбий хизматга қақирилган аскарлар ва улар хизмат қилаётган ҳарбий қисм командирларидан мингдан ортиқ киши қатнашадилар. Улардан ташқари, слётта ҳарбий аскарларнинг отоналари ва кенг жамоатчилик вақиллари. Улуг Ватан уруши қатнашчиларни байналмилалчи жангчилар ҳам ташриф буюришади.

Слёт қатнашчиларини 18 апрель куни карнай-сурнай садолари остида кутиб олғанимиздан сўнг, уларни қайси район ва шаҳардан қақирилганлигига қараб бўлунмаларга акратиб вилоятларга жўнатамиз.

Вилоятларда слёт қатнашчиларни учун турли программалар тайёрланган бўлиб, улар тарихий обидалар, маданий меросимиз билан, корхона ва ҳўжаликлар меҳнат жамоалари билан учрашадилар ва танишадилар. Вилоятларга борадиган слёт қатнашчиларининг орасида, шу вилоят оталиққа олган ҳарбий округ ёки флотнинг қўмандонлари ҳам бўлишиди. Фурсатдан фойдаланиб, вилоят ва округ (ёки флот) ўртасида оталиқ алоқалари ўрнатиш түррисидаги шартнома тантанали рашида имзоланади.

Сўнгра, ҳарбий аскарлар ўз отоналарининг ўйларида қолишиб, иккакун давомида ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги вилоят ёшлари билан бўладиган турли тадбир ва учрашувларда қатнашадилар. Ҳарбий командирлар эса Самарқанд шаҳрига жўнаб кетадилар ва у ерда тарихий меъморчилик обидалари билан танишиб, корхона ва ҳўжалик меҳнат жамоалари билан бўладиган учрашувларда қатнашадилар.

21 апрель куни ҳарбий командирлар Тошкент шаҳри бўйлаб экскур-

сия қилишади, шаҳар корхоналари ва вилоят ҳўжаликлари меҳнат жамоалари билан учрашадилар.

22 апрель куни эрталаб, Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин ҳайкал олдида улуғ доҳий таваллудига бағишиланган митинг бўлиб ўтди ва унда барча слёт қатнашчилари иштирок этишади. Митингдан сўнг В. И. Ленин ҳайкалига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар кўйилади.

ТОШКЕНТ · 91



Шу куни слёттинг тантанали мажлиси ўз ишини В. И. Ленин номидаги Ҳалқлар дўслиги саройида бошлиди. Слёт ишига кечқурун Ўзбекистон санъат усталирининг катта концерти билан якун ясалади.

Ушбу слёттни ўтказишимидан мақсад ўзбекистон ҳалқи билан Совет Армияси ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш, ўзаро тушунмовчиликларча чек қўйиш, ҳарбий қисм командирларини ўзбек ҳалқи миллий анъаналари ва урф одатлари билан яқиндан таништириш, ота-оналарни эса ўғилларининг хизмати ва маший шаронитлари билан яқиндан

таништириш, ҳамда вилоятларимиз билан ҳарбий округлар ва флотлар ўртасида оталиқ алоқаларини ўрнатиб уни ривожлантиришdir. Бундай мақсад қўйишимиз бежиз эмас, албетта. Бизнинг қўмитамизга келаётган ҳатларнинг таҳлили, шунингдек, ҳар куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қабулхонасида қўмитамиз аъзолари бўлмиш ҳалқи депутатлари фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларни қабул қилгандаги аризалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ота-оналар ўз ўғиллари хизмати ва ҳарбий қисмидаги мавжуд маший шароити ҳақида уларнинг ўйига ёзган ҳатлари орқали фикр юритадилар. Ҳарбий қисм командирларни эса, ўз вақтида, айrim ўзбек йигитларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг ўзини тутишига ва интизомига қараб бутун бир миллат вакиллари ҳақида, унинг ўзига хос урф-одатларини зътиборга олмаган ҳолда фикр юритадилар. Бундай ҳол, албетта, ота-оналарни саросимага тушириши, командирларни эса ўзбек йигитларига нисбатан қандайдир ҳолиша бошқачаро муносабатда бўлишига олиб келиши мумкин. Айrim ҳолларда шундай бўлмоқда ҳам.

Мисол учун армия сафига янги қақирилиб хизматни энди бошлаган йигитларниң айримлари биринчи босқичдаги қийинчилкларга бардош бера олмай, алгарда уставдан ташқари ҳолат юз берса ўз ҳақ-хукуқини командирлар орқали тўри талаф қила олмасдан, турли шахслар томонидан нотуғри берилган маслаҳатларга кириб ҳарбий қисмдан ўз хоҳишига кўра кетиб қолаётган қочоқлар сафига қўшилмоқдадар, ёки яхши хизмати учун, олмавий аҳволининг, ёхуда соғлиғининг бузилганинги зътиборга олиб берилган қисқа муддатли таътилга келиб, турли баҳоналар билан ҳарбий қисмга қайтиб бориаслик чорасини кўраётган аскарлар бугунги ҳаётимизда бор. Бундай аскарларнинг ота-оналари ҳам, фақат ўз болаларининг гепини бир томонлама эшишиб, турли маз-

мундаги аризалар билан қўмитамизга ва бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб юрганиклавридан ҳам кўз юмиш мумкин эмас.

Энди масаланинг иккичи томонини олайлик. Ҳарбий қисмлар командирларни таътилга юборган аскарлари қайтиб келмаганиларни туғайли бошқа ҳарбий хизматчиларни таътилга юборишига имкон тополмай қолмоқдадар. Агарда уставдан ташқари ҳолат юз бериб, ҳарбий аскар командирларга мурожаат қилишининг ўрнига, ўзбошимчалик қилиб, ҳарбий қисмини ташлаб кетса, бундай ҳолатда унинг вазифаси ҳам бирга хизмат қилаётган бошқа аскарлар зимиасига тушади. Демак қолган аскарлар наебатдан ташқари наядларга туришга мажбур бўлиб етарли дам олишга имкониятлари қолмайди.

Шунинг учун жойларда, мутасадди ташкилотлар республикамиз ёшлиарни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларни янада такомиллаштиришлари, уларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтишиларни зарурдир.

Республикамиздаги маҳаллий кенгашлар эса ўз оталиклирдаги ҳарбий округ ва флотларнинг ҳарбий қисм ва кемаларига режали равишда турли соҳа ходимларидан тузилган гуруҳларни юбориб турсалар аскар йигитларимиз ҳам ўзларини ёлғиз сезмай янада файрат билан хизмат қиласидилар.

Албатта, ҳарбий қисм командирлари ҳам барча офицерлар ва ҳарбий аскарлар томонидан Совет Армиясининг Уставини тўла-тўқис бажаришларини ва унинг талабларини бузмасликларини таъминлашларни шартдир. Булар ҳақида бўладиган слётимизда, албетта, командирлар билан судбатлашамиз ва келишиб оламиз.

Ш. АЛЛАМУРОТОВ,
ўзбекистон ССР Олий Кенгашини
котибиятининг катта референти.

• Юфтдошларимиз ҳарбий хизматда

УЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

УШБУ суратни кўришлари билан паркентлик Қурбонали aka ва Вазира опарларнинг тўлқинланиб кетишлари табиийдир. Чунки унда уларнинг фарзандлари, Совет Армияси сафиди хизмат бурчнини атло даражада ўтётган кичик сержант Баҳромали Юсуфалиев акт этирилган.

Баҳромали ўз йигитлик бурчнини ўтаси учун Совет Армияси сафига 1989 йилнинг ёзида жўнаб кетган эди. Мана, хизмат ҳам охирлаб қолди. Энди у ўйига ёруғ юз билан кириб келади. Чунки бутун хизмат дав-

рида йигитлик бурчнин муносиб ўтади. Бўлинма командирин, иккичи класс муҳахассиси, маданий маротаба рағбатлантиришлари олишига сазовор бўлган Баҳромали куни кеча яна катта ишончга эришиди — Жанговор Байроқ олдида суратга тушишдек зътиборга лойиқ деб топилди...

Қисм ҳарбийларининг минатдорчиларини сизларга рўзнома орқали етказалимиз, Қурбонали aka ва Вазира опалар. Чунки вилоятимизнинг муносиб фарзандлари билан биз ҳам фахранамиз.



ШИРКАТ КЛУБЛАРИ

ЁШЛАРНИ ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан шуғуланаётган пойтактадаги «Ёш десантчи» ширкати фаолияти кенгайиб кетди. Унинг ҳузуридаги очилган клублар орқали эса турли маданий тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Ёш десантчи» клубига ҳозир кўпчилик аъзо. Унда бир неча шўбалар ҳам тузилди. Хотин-қизлар фаол қатнашадиган аэробика шўбаси мўлла билан кўпгина ибратли ишлар бажарилмоқда.

Ёшларнинг қизиқиши ва истакларига кўра бу ерда яқинда киносеявлар клуби очилди. Яшил табкатнинг ёш дўстлари учун ҳам қулайлик тұғдириси кўзда тутилди.

Бундандан ташқари уй-хонадон дизайнни тўгарагини тузиш тареддуди кўрилмоқда. Моҳир мутахассис дизайннер рассомлар бошчилигида тўгарак аъзолари амалий маълакаларни эгаллайдилар. Кейинчалик уларнинг ўзлари хоналарни дизайннерлик усулида бемалол безашлари мумкин бўлади.

А. АЛИЕВ.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

8 АПРЕЛЬ

● УзТВ I

- 18.00 Янгиликлар.
- 18.05 Болалар учун концерт.
- 18.40 «Жамоат ташкілотларида».
- 19.10 «Ижодкор ҳузурда».
- Узбекистон халқ ёзувчиси Аскад Мухтор.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 Фарғона Давлат филармонияси артистларининг концерти.
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.15 «Инсон ва қонун».
- 22.00 «Ахборот».
- 22.20 «Дала юмушлари».
- 22.40 «Экрон таниширади».
- Абдулла Қодирий ҳаётига бағишланган «Хўрлидан ўлим тансикроқдир» фильммининг премьераси.
- 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

- УзТВ II
- 19.00 «Ассалому алайкум» (төк-рорп.).
 - 20.00 «Спринт» (рус тилида).
 - 20.20 Тижорат хабарлари.
 - 20.30 Москва. «Время».
 - 21.15 Узбекистон ва жаҳон.
 - 21.45 «Лўли». Бадий фильм (А. Довженко номли киностудия).
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
 - 8.50 Футбол шарҳи.
 - 9.20 «Петя ва Кизил Шапкача». Мультфильм.
 - 9.40 «Дадамни қандай қилиб йўлга солса бўлади». Бадий фильм.
 - 11.30 «ТСН».
 - 11.45 Ҳужжатли фильм.
 - 12.30 «Эртак бошланади».
 - Мультфильм.
- * * *
- 14.30 «ТСН».
 - 14.45 «Қизиқувчилар олами».
 - 15.00 «Чўлдаги ўтовлар».
 - Волгограддан кўрсатилиди.

- 15.25 «Маориф: СССРда олий ма-тематика илмгоҳи».
- 15.40 Шеърият лаҳзалари.
- 15.45 Болалар соати (немис тили дарси билан).
- 16.45 Жаҳон саломатлик кунига бағишланган кўрсатув.
- 18.00 «ТСН».
- 18.15 «Бозор томон боряпмиз».
- «Маданият учун ким хайр қи-лади».
- Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб боради.
- 19.00 «Ушиб қўшиқларни уннут-ма».
- Катталар ва болалар учун кўрсатув.
- 19.15 «Ҳаётнинг бошланиши».
- Телевизион бадий фильм («Мос-фильм», 1962 й.).
- 20.30 «Время».
- 21.15 Футбол шарҳи.
- 21.45 «Яратилиши».
- Рязань вилоят драма театри фильм-спектаклинг премьераси.
- Муаллиф — С. Романовский.
- 23.50 «Меридиан».
- Ҳалқаро янгиликлар.

Тунги телевидение

- 00.10 Москва Давлат филармо-нияси яккахонлар ансамбли-нинг концерти. Дирижёр — Ю. Башмет.
 - 00.50 «Пляж қароқчиси».
 - Телеви-зион бадий фильм («Грузия-фильм», 1987 й.).
 - 01.55 «Портрет».
 - Роберт Амирханян.
- МТ II
- 7.00 «Ишбилармон кишининг тонгиги».
 - 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 - Уқув программаси
 - 8.15 «Бир куни».
 - Илмий-оммабол фильм.
 - 8.35, 9.35 Адабиёт. 9-синф. Н. В. Гоголь. «Улик жонлар».
 - 9.05 Италиян тили.
 - 10.05 Рус тили.
 - 10.35, 11.40 Биология. 7-синф. Гидра, сув юлдузи ва бошқалар.
 - 11.05 «Адам Смит бойлиги дунёси».
- * *

- 12.10 «Ёмғир ёғаяпти».
- Муль-фильм.
- 12.15 «Планета».
- Ҳалқаро про-грамма.
- 13.15 Нижний Новгородда бўлиб ўтган халқ чоғулари ижро-чи-лари IV Бутунrossия танлови қатнашчиларининг концерти.
- 14.05 Болалар учун фильм.
- «Асов от» (Киев илмий-оммабол фильмлар студияси, 1975 й.).

- * * *
- 16.45 «Мис тоғ бекаси».
 - Муль-фильм.
 - 17.05 Ҳалқ куйлари.
 - 17.15 «Иенгра узра ёвуз рух».
 - Экология муаммолари ҳақида.
 - 17.40 Коллаж.
 - 17.45 «Телевизион мусиқий або-нумент».
 - 18.55 «Замонамиз қаҳрамони».
 - «Таллиннфильм», киностудияси-нинг режиссёр-мультипликатори Х. Вольмер ҳақида телеви-зион ҳужжатли фильм.
 - 19.30 Ҳайрли тун, кичкентойлар!
 - 19.45 «Сиз бунга қодирсиз».
 - Но-гионлар учун техника.
 - 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
 - 21.15 «Троян оти».
 - Телевизион ба-дий фильм. 1-серия («Бела-русыфильм», 1980 й.).
 - 22.20 «Рақслар, рақслар, рақ-слар...».
 - Гамбургда бўлиб ўтган Лотин Америкаси рақслари жа-ҳон чемпионати.

Сешанба *

9 АПРЕЛЬ

● УзТВ I

- 8.00 «Мулоқот».
- 8.30 «Баҳорг ўйнлар».
- Болалар учун фильм-концерт.
- 8.50 «Нон — ризқ-рӯзимиз».
- 9.20 Такрорий фильмлар экрани.
- «Мен сени њеч қачон унумтайман».
- Бадий фильм («Лен-фильм»).
- 10.40 Телевизион театр. Уткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди».
- 1-қисм.

* * *

- 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилиди. Танафус пайтида — «Тоғ наволари».
- Телевизион.
- 18.50 «Қўйирчоқлар—менинг дўстларими».
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Мен қўрқаман севиб қо-лишдан».
- Муслиқий кўрсатув.
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.15 «Мерос».
- Лутфий лирикаси.

- УзТВ II
- 22.00 «Ахборот».
 - 22.20 «Спортлото».
 - 22.25 «Соҳил».
 - Бадий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
 - 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- МТ I
- 19.00 «Соф бўл, болакай».
 - 19.45 «Билмасвон кўёшли шаҳарда».
 - Мультфильм.
 - 20.00 «Лаҳза».
 - Ҳабарлар.
 - 20.10 «Ўйнлар, ҳаёжон ва умидлар».
 - Телевизион.
 - 20.30 Москва. «Время».
 - 21.15 «Дўстлик экрани».
 - 22.15 «Насриддининг саргузашлари».
 - Бадий фильм («Ўзбекфильм»).

- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 Долзарб репортаж.
 - 8.50 «Болакай ва булут».
 - Мультфильм.
 - 9.00 «Асрорчи».
 - Телевизион ҳужжатли фильм.
 - 9.20 «Кечир бизни ўғай она, Россия».
 - Бадий фильм. 1-серия.
 - 10.30 Болалар соати (немис тили дарси билан).
 - 11.30 «ТСН».
 - 11.45 «Портрет».
 - Роберт Амирханян.
- * * *

- УзТВ II
- 14.30 «ТСН».
 - 14.45 «Истебода».
 - Телевизион ба-дий фильм («Ленфильм», 1975 й.).
 - 16.00 «Муслиқий ҳазина».
 - Ф. Мендельсон. Италиянча симфония.
 - 16.30 Чемпионлар билан биргаликда.
 - 17.00 «Рок-сабоқ».
 - Ўсмирлар учун кўрсатув.
 - 18.00 «ТСН».
 - 18.15 Сиёсий мулоқотлар.
 - «Вазијат».
 - 19.00 Мультфильм.
 - 19.05 «Ер — бизнинг сайёрамиз».
 - Ҳужжатли фильм премьераси (БМТнинг буюртмасига биноан «Лемль Пикнерз мәҳсулоти»).
 - 19.35 «Ёлғизлар».
 - Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия (Австралия).
 - 20.30 «Время».
 - 21.15 «ВИД» таниширади: «Мў-жизалар майдони».
 - 22.00 «Сўз». Адабий-бадий про-грамма.
 - 23.30 «Меридиан».
 - Ҳалқаро янгиликлар.
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 Долзарб репортаж.
 - 8.50 «Болакай ва булут».
 - Мультфильм.
 - 9.00 «Асрорчи».
 - Телевизион ҳужжатли фильм.
 - 9.20 «Кечир бизни ўғай она, Россия».
 - Бадий фильм. 1-серия.
 - 10.30 Болалар соати (немис тили дарси билан).
 - 11.30 «ТСН».
 - 11.45 «Портрет».
 - Роберт Амирханян.
- * * *
- 14.30 «ТСН».
 - 14.45 «Истебода».
 - Телевизион ба-дий фильм («Ленфильм», 1975 й.).
 - 16.00 «Муслиқий ҳазина».
 - Ф. Мендельсон. Италиянча симфония.
 - 16.30 Чемпионлар билан биргаликда.
 - 17.00 «Рок-сабоқ».
 - Ўсмирлар учун кўрсатув.
 - 18.00 «ТСН».
 - 18.15 Сиёсий мулоқотлар.
 - «Вазијат».
 - 19.00 Мультфильм.
 - 19.05 «Ер — бизнинг сайёрамиз».
 - Ҳужжатли фильм премьераси (БМТнинг буюртмасига биноан «Лемль Пикнерз мәҳсулоти»).
 - 19.35 «Ёлғизлар».
 - Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия (Австралия).
 - 20.30 «Время».
 - 21.15 «ВИД» таниширади: «Мў-жизалар майдони».
 - 22.00 «Сўз». Адабий-бадий про-грамма.
 - 23.30 «Меридиан».
 - Ҳалқаро янгиликлар.

- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 Ишчан чопар.
 - 8.50 Молдава муслиқий фольклорининг концерти.
 - 9.25 «Кечир бизни ўғай она, Россия».
 - Бадий фильм. 2-серия.
 - 10.30 «Рок-сабоқ».
 - Ўсмирлар учун кўрсатув.
 - 11.30 «ТСН».

- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 Ишчан чопар.
 - 8.50 Молдава муслиқий фольклорининг концерти.
 - 9.25 «Кечир бизни ўғай она, Россия».
 - Бадий фильм. 2-серия.
 - 10.30 «Рок-сабоқ».
 - Ўсмирлар учун кўрсатув.
 - 11.30 «ТСН».

- МТ I
- 11.45 Телевизион ҳужжатли фильм.
 - 12.35 Қўшиқ ҳақида хотира.
 - 13.05 «Қизиқувчилар олами».
- * * *
- 14.30 «ТСН».
 - 14.45 «Отлар ой нурида».
 - Телевизион бадий фильм («Тоҷикфильм», 1979 й.).
 - 15.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
 - 16.55 «Маданият ва бозор».
 - «Коммунист» ойномаси мұхарририяти давра сұхбати.
 - 17.30 «ТСН».
 - 17.45 «Ийл фасллар».
 - Мультфильм.
 - 18.00 «Ёлғизлар».
 - Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
 - 18.55 Ю. А. Гагарин космосга парвозининг 30 йиллигига ба-ғишиланган тантанали йиғилиш.
 - Союзлар уйининг Колонна за-лидан олиб кўрсатилиди. Та-наффус пайтида — «Время».
 - 20.55 Футбол. Европа чемпионла-ри кубоги. Ярим финал. «Спар-так» (Москва) — «Марсель» (Франция). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўр-сатилиди.

- МТ I
- 6.00 «Тонг».
 - 8.30 Ишчан чопар.
 - 8.50 Молдава муслиқий фольклорининг концерти.
 - 9.25 «Кечир бизни ўғай она, Россия».
 - Бадий фильм. 2-серия.
 - 10.30 «Рок-сабоқ».
 - Ўсмирлар учун кўрсатув.
 - 11.30 «ТСН».

- МТ II
- 23.00 «Миргород ва унинг аҳолиси».
 - Телевизион бадий фильм. 2-серия.
 - 00.05 «Шеърлардаги дил сатрари».
 - С. Есенин шеърларини Т. Доронина ўқида.
- МТ II
- 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
 - Уқув программаси
 - 8.15 «Марс сари узоқ йўл».
 - Илмий-оммабол фильм.
 - 8.35, 9.35 Жўғрофия.
 - 8-синф. СССР денигизлари.
 - 9.05 Француздар.
 - 1-йил шуғуланаётгандар учун.
 - 10.05 Француздар.
 - 2-йил шуғуланаётгандар учун.
 - 10.35, 11.40 Табиатшунослик.
 - 2-синф. Кўклиамги меҳмонлар.
 - 10.55 Компьютер билан мулоқот.
- * *
- 12.00 «Бир том остида».
 - Мультфильм.
 - 12.15 «Троян оти».
 - Телевизион бадий фильм. 1-серия.
 - 13.20 РСФСР шаҳарлари телесту-диялари.
 - «Роберт Газизов қўшиқлари».
 - Уфадан кўрсатилиди.
 - 13.45 Ритмик гимнастика.
 - 14.15 «Телевизион муслиқий або-нумент».

- 16.40 «Тонг юлдузи» (9 мартаға кўрсатува тақорланади).
- 17.45 «Уйинни ёки бюджетлар мангими».
- Омск тажрибаси.
- 18.05 «Пудя».
- Мультфильм.

- 14.00 «Икки эртаки».
 - Мультфильм.
 - 14.15 «Иркуйем қаёқга гойиб бўл-ди».
 - Телевизион ҳужжатли фильм.
- * * *
- 16.20 Россиянинг ҳужжатли экра-ни.
 - 17.50 «Бирорнинг хотини ёки кро-ват тагидаги эр».
 - Телевизион бадий фильм («Ленфильм», 1984 й.).
 - 18.55 «Ёлғиз чироқ...».
 - Волоколамск ва Юрьев митрополити Питирим А. Чеховни ўқида.
 - 19.10 Россиянинг парламент ха-барномаси.
 - 19.25 Коллаж.
 - 19.30 Ҳайрли тун, кичкентойлари.
 - 19.45 «Қайта яралаш учун».
 - Телевизион ҳужжатли фильм.
 - 2

21.15 «Бу оқшомде» күрсатуви-
нинг давоми.
22.15 «Кадр ва кадр ортида». Кин-
окурсатуви.
23.15 «Асов дарё ўзанида». Теле-
визион бадий фильм («Ўзбек-
фильм»). 1-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Ички ишлар вазирлигининг
мъълумотларига кўра...
8.50 Футбол. Европа чемпионла-
рининг кубоги. Ярим финал.
«Спартак» (Москва) — «Мар-
сель» (Франция).
10.30 Болалар соати (инглиз тили
дарси билан).
11.30 «ТСН».
11.45 «Сўз». Адабий-бадий про-
грамма.
* * *

14.30 «ТСН».
14.45 «Севги ҳақида қўшиқ». Теле-
визион бадий фильм («Кир-
ғизтелефильм», 1980 й.).
16.05 Қизиқувчилар олами.
16.20 «Агар сиз...».

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



17.05 «...16 ёшгача ва ундан кат-
талар». 18.00 «ТСН».
18.15 «Бу ерда Ленин яшаган ва
ишлган». Хужжатли фильм.
18.25 «Инсон. Ер. Коннот».
19.25 «Ялта-91».
19.35 «Елғизлар». Тўрт серияли
төлөвзион бадий фильм. 3-
серия.
20.30 «Время».
21.15 Бевосита мулоқот. Телето-
мошабинлар саволларига Бу-
туннитифоқ телекўрсатувлар ва
радиоэшилтиришлар компания-
сининг раҳбарлари жавоб бе-
радилар.

22.15 Ю. А. Гагарин космосга
парвозининг 30 йиллигига ба-
ғишлиган концерт.
00.15 «Меридиан». Халқаро янги-
ликлар.

Тунги төлөвзиение

00.35 «Норозилик билдириб...». Төлөвзион бадий фильм (Одесса киностудияси, 1989 й.).
01.55 «Тамбов хазинабони». Фильм-концерт.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия
машқлари.
Үқув программаси
8.15 «Варикант». Илмий-оммабон
фильм.

8.35, 9.35 Умумий биология. 11-
синф. Мутациялар табиати ёки
мушуклар нега хилма-хил.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғуллан-
ётганлар учун.

10.05 Испан тили. 2-йил шуғулла-
наётганлар учун.

10.35, 11.35 Биология. 8-синф. Та-
нишинг: приматлар.

11.05 «Сиз яратган боғ».

*

12.05 «Само сари боқаман». Шо-
ир Ф. Сухов ҳақида ҳужжатли
фильм премьераси («ЦСДФ»).
12.45 Концерт.
13.15 Ритмик гимнастика.
13.45 Россиянинг ҳужжатли экра-
ни.

* * *
16.45 РСФСР шаҳарлари телесту-
диялари. «Оренбург оқшомла-
ри».

17.30 Ритмик гимнастика.

18.00 М. Горький номли болалар
ва ўсмиirlар фильмлари кино-
студияси—75 ёнда.

19.30 Ҳайрли тун, кичкитойлар!

19.45 Мусикада авангارد. Нижний

Новгороддан кўрсатилади.

20.30 «Время» (сурдо таржимаси
билан).

21.15 «Шамолда ниҳол». Теле-
визион бадий фильм. 1 ва 2-
сериялар («Ленфильм», 1980 й.).

Жума

12 АПРЕЛЬ

КОСМОНАВТИКА КУНИ

● УзТВ I

8.00 «Коннот ва замин». Кино-
программа.
9.00 «Қадрдонлар кўчаси». Теле-
фильм.
9.25 Ҳизмат кўрсатгани Давлат
«Бадор» ҳалик рақс ансамбли-
нинг концерти.
10.40 Иззат Султон. «Имон». Ви-
деоспектакль. 2-кисм.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.05 «Билмасвой шоир». Мульт-
фильм.
18.20 «Водий дорилғануни». Му-
аммо ва ечимлар.
19.00 «Янги Итифоқ шартномаси
пойида: фикр ва мулоқаза-
лар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёшлик оқшоми».
20.30 Москва. «Время».

21.15 Дираббо концерт.
21.55 Тикорат ҳабарлари.
22.20 Даля юмушлари.
22.40 «Ялла»нинг Наврӯз чойхо-
наси». Мусиқий программа.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тарти-
би.

● УзТВ II

19.00 Македония төлөвзиение-
сининг программаси.
20.00 «Пульс». Ҳабарлар.
20.10 Кичик концерт.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Олқишилар».
22.30 «Асов дарё ўзанида». Теле-
визион бадий фильм. 2-серия.
* * *

● МТ I

6.00 «Тонг».
6.30 Мультфильм.
8.35 «Биргаликда кўйлайлик, дўст-
лар!».
10.35 «...16 ёшгача ва ундан кат-
талар».
11.30 «ТСН».
11.45 Төлөвзион ҳужжатли
фильм.

● МТ II

12.35 «Калинка» ансамблининг
концерти (Калуга шаҳри).
12.50 «Менсиз». Илмий-оммабон
фильм.
* * *

14.30 «ТСН».
14.45 «Биринчи ва охирги кун». Төлөвзион бадий фильм (А. Довженко номли киностудия, 1978 й.).
15.55 Мультфильмлар: «Дюймча-
хон», «Дастлабки учрашувлар».
16.40 Эрталабки ва саргузашт-
лар оламида. «Кичкитой Муқиннинг саргузашти» («Тоҷик-
фильм», 1983 й.).
18.00 «ТСН».
18.20 «Қайта қуриш: бу Японияда
кандай бўлган эди?». 3-кўрса-
туб.
19.05 «Ер жозибаси». Мусиқий
кўрсатув.
19.35 «Елғизлар». Тўрт серияли
төлөвзион бадий фильм премьера-
си. 4-серия.
20.30 «Время».
21.15 Ю. А. Гагарин космосга пар-

возининг 30 йиллигига бағи-
шланган ҳалқаро төлөвзиение.
00.15 «ВИД» программаси.
Тунги төлөвзиение
02.15 «Шерлок Холмс ва дўхтир
Ватсоннинг саргузаштари». Төлөвзион бадий фильм. 1-се-
рия («Ленфильм», 1980 й.).
* * *

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия
машқлари.
Үқув программаси
8.15 Илмий-оммабон фильм.
8.35, 9.35 Адабиёт. 5-синф. В. П. Катаев. «Полк ўғли».
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулла-
наётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулла-
наётганлар учун.
10.35, 11.35 Адабиёт. 6-синф. М. М. Пришин. «Қўёш омбор-
хонаси».
11.05 «Здоровье».
* * *

12.05 «Шамолда ниҳол». Төлөвзион бадий фильм. 1 ва 2-
сериялар.

* * *
16.25 РСФСР шаҳарлари телесту-
диялари. «Нюмид» (Сиктив-
кар). Коми АССРда ёғоч тай-
ёрловчилар посёлкасининг тур-
муши ҳақида.
16.55 «Ўрмондаги саргузашт». Мультфильм.
17.00 «Санъат календари».
17.30 «И камеристи ломбәрди»
чолгу ансамбли ҷалади (Ита-
лия).
18.25 Россиянинг парламент ха-
барномаси.
18.40 Твэрь қишлоқларининг му-
момлари ҳақида төлөвзион
ҳужжатли фильм.
19.30 Ҳайрли тун, кичкитойлар!
19.45 Коллаж.
19.50 СССР ҳалик артисти Ирина
Архипова қўйлади.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси
билан).
21.15 Спорт ҳамма учун.
21.30 «Тунги ташриф». Төлөвзион
бадий фильм. 1 ва 2-сериялар
(«Грузия-фильм», 1974 й.).

Шанба

13 АПРЕЛЬ

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». *
9.00 Спорт кўрсатувлари: 1. Шоҳ-
руҳ клуби. 2. Футбол майдон-
ларида.
10.00 «Мехфий агент». Бадий
фильм («Молдава-фильм»).
11.25 «Элга ҳизмат: талаб ва так-
лиф».
12.00 Араб тили.
12.30 «Ёшлик» студияси кўрсата-
ди. «Муносабат».
13.15 Самарқанд вилояти Нарпай
ноҳияси «Зарбулоқ» ансамбли-
нинг концерти.
13.40 «Осоиншалик посонлари». Ти-
жорат кўрсатуви
14.30 «Мехнатдан келур шараф». Хайр-
робод пахта заводи.
* * *

18.40 «Ўзбекистон» киножурнали.
19.00 «Ўзбек тилини ўрганимиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Мультпанорама.
20.30 Москва. «Время».
21.15 Оқшом эрталаби.
21.30 Дијаронлари.
22.00 «Ҳафтанома».
23.00 «Санъат усталари». Узбекистон
ССР ҳалик артисти Маҳмуджон
Ғофуров. Видеофильм.
00.40 Эртанги кўрсатувлар тарти-
би.

● УзТВ II

8.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.
● МТ I

Шанба, эрта саҳарлаб
6.00 В. Шувалов кўйлайди.
6.30 Мультфильм.
6.45 Спорт ҳамма учун.
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 Тонги дам олиш програм-
маси.
8.00 «Сиз яратган боғ».
8.30 «ТСН».

8.45 Рязань Давлат рус ҳалик
хорининг чиқиши.
9.00 «Бурда моден» тақлиф эта-
ди...».
9.30 «Тонг ўлдузи».
10.30 МТнинг олтин хазинасидан.
А. Н. Островский. «Ўрмон». А. С. Пушкин номли Ленинград
Давлат академик драма театрининг фильм-спектакли.
13.10 «Мутлақо маҳфий». С. П. Королёв таржими ҳолининг айрим саҳифалари. Ҳужжатли фильм премьера-
си («ЦСДФ»).
14.30 «ТСН».
14.45 «Келажакни ўйлаб». Диний ва маданий мерос ҳақида.
15.50 Мультфильмлар.
16.20 1991 йил қўшикли.
17.30 «Ҳалқаро панорама».
18.15 Концерт.
19.10 Режиссёр А. Шахмалиева
фильмлари. «Деразадаги нур»
(«Ленфильм», 1980 й.).
20.30 «Время».
21.15 «Робинзон ва Кузя». Катта-
лар учун мультфильм.

21.30 «Александр томошалари». 2-кўрса-
туб.
23.15 «ВИД» таниширади: «Мата-
дор».

Тунги төлөвзиение

00.35 «Шерлок Холмс ва дўхтир
Ватсоннинг саргузаштари». Төлөвзион бадий фильм. 2 ва
3-сериялар.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия
машқлари.
8.15 РСФСР Давлат духовой ор-
кестрининг чиқиши.
8.30 «Майдон».
9.30 «Биз яшаётган олам». Режис-
сёр Ю. Нагибин төлөвзион
ҳужжатли фильмлари: «Иккӣ
портрет», «Болалар ҳаётидан
ёки ўғирлик».
10.30 «Муаммолар тасвиридаги
портрет» (хоккей бўйича СССР
терма командасининг бош тре-
нери В. В. Тихонов ҳақида).

12.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
«Иттифоқ — жумҳуриятлар: ва-
колатларининг белгиланиши». Москва — Киев — Минск —
Олмоста төлекўприги; Ю. А. Га-
гарин парвозининг 30 йиллигига;
Кишинёв, Тбилиси, Ленинград,
Ульяновск, Хабаровскдан ви-
деоматериаллар.
15.30 «Плюс ўн бир» видеоканали.
19.00 «Севганингдан айрилма». Концерт.
19.30 Ҳайрли тун, кичкитойлар!
19.45 Рус тили.
20.15 А. Федоров (балалайка) ва
В. Сидельников (гитара) ҷала-
дилар.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси
билан).
21.15 «Писмиқ». Төлөвзион бадий
фильм («Молдава-фильм», 1973 й.).
22.30 «Табиат ёдгорликлари». «Она замин ташвишида» турку-
мидан. Волганинг кўйи этакла-
ридаги кўриқхоналар ҳақида төлөвзион
ҳужжатли фильм.

Якшанба

14 АПРЕЛЬ

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор). *
9.00 «Вертикаль». Бадий фильм
(Одесса киностудияси).
10.15 «Қўшиғим — жон қўши-
ғим». 11.00 «Ўзбекистон ўқитувчилари-
нинг XV педагогик ўқишилари». 11.40 «Сиз севган достонлар».
«Санам гавҳар». Абдуназар
Поёнов ижро этди

Нонни қадрига етинг!



■ ТАБАРРУК ва муқаддас неъмат — ноннинг истроф бўлмаслиги унинг сифатига ҳам боғлиқ Калинин районидаги Назарбек нон заводига қарашли 4-юн ишлаб чиқариш цехи новвойлари ўз маҳсулотларининг сифатли ва мазали бўлишига эришмоқдалар. Халим ака Сайдмуродов бошлини жамоа аъзолари аҳоли дастур хонига ойига 35—40 тонна сифатли нон етказиб бермоқдалар. Суратларда: кўни гул новвойлар (чанд) X. Сайдмуродов, С. Толипова; ўнгда З. Сайдмуродов ва В. Зоҳидовларни кўриб турибиз.

В. ТУРАЕВ суратга олган.

• Одам одоби билан

ШАЙХ САЪДИЙ АЙТИШЛАР...

ҚАДИМ-ҚАДИМ вақтлардан фарзанд тарбиясига эътибор, комил инсон булишиликка даъват қилишин ҳар бир фозил одам ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Агар қадимий қўл-еъзмалари варагласак, бу ҳақда ўз кўзимиз билан ўқир эдик. Афсуски инқилобдан сўнг бўлиб ўтган воқеалар: имломизнинг ўзгартирилиши, ўттигиничи йиллардаги қатлиом, байналмалчилик деган инқоб остидаги соҳталиклар бизни ажодлар тарихидан буткул ажратиб қўйди. «Ойнинг ўн беши ёру!» — дейди доно ҳалқимиз. Минг шукурки, ўша ёруг кунлар сари одимлай бошладик. Зах босиб, униқаётган қадимги қўл-еъзмалар бугунги лаҳзалар шарофати билан тилга кирмоқда. Зотан, бу бебаҳо асралар бизнинг ҳуқуқий меросимиз. Биз энди уларни асрар-авайлаб ўрганиб, келгуси авлодларга зи-

ён-захматсиз топширмогимиз фарзди.

Шарқ ҳалқларидан бошка миңтақаларга ўтган энг муҳим одат — инсон одоби! Бу эзгу ва муқаддас ҳислатни кўйловчи битиклар жуда кўпидир: «Қобуснома», «Қутадгу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойқ», «Саодатнома»... Бу рўйхатни истаганча давом этириш мумкин. Зеро, ҳалқимизда: «Ўн марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал», деган мақол бор. Гарчи қисқача бўлса-да, бу гал Шайх Саъдий ҳақида, унинг оқилюна фикрлари ҳақида тўхтальмоқни жоиз лозим топмадик.

Шайх Саъдий Шерозий. Тўлиқ исми Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф Саъдийдор. Шерозий қўшимчаси эса унинг эрондаги Шероз шаҳридан эканлигига далолат бўлади. Туғилган йили аниқ эмас. Аммо бу ҳақда турли фикрлар мавжуд. У тахми-

нан XIII асрнинг биринчи ўн йиллигига таваллуд топган. Вафоти 1292 йил эканлиги тарихий манбаларда (691 йил ҳижрий сана) кўрсатилган.

Унинг таржима ҳоли ҳақида ҳам ягона манба йўқ ҳисоби. Шу боисдан ҳам ўзимизча бирор нарса дешиши ёки олимларимиз таҳминларини баён қилишни лозим топмадик.

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ижодида «Гулистан» ва «Бўстон» асрлари алоҳида урин тутади. Бу асрлар орқали биз Саъдийни ҳам шоир, ҳам носир сифатида танимиз. Айниқса, ҳалқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланиши бу асрларни ҳалқ орасида катта эътибор топшида муҳим омил бўла олган.

Қўйида Шайх Саъдий Шерозий ижодидан бир неча байтни келтирамиз.

Д. САИДОВ.

Саъдий ШЕРОЗИИ

Фам чекма нон бўлиб емоққа дандон бўлмаса,

Чин мусибат будир: дандон бўлиб нон бўлмаса.

1 дандон — тип.

Ўйнаб айтилган ҳар сўздан ҳам ҳатто
Оқил аҳли ҳикмат ўқий билсалар,
Ўйин ва ҳазил деб билур доимо
Ҳикматли сузин ҳам нодон қимсалар.

Гавҳару лаъл чиққусидир тошдан,
Лек ҳамма тош гавҳару лаъл
бўлмагай.

Ки, ҳамма ер нур эмар, шаксиз,
Лек ҳамма жонда ҳам лола унимагай.

Форс тилидан

Дилмурод САИДОВ таржималари.

Илминнин сотмоқда кимки қўл урди,
Гүё хирмон йиғди-ю ўтда қўйдириди.

Илминнинг кўплиги донолик эмас,
Гар амал қилимсан — идоилик,
холос!

Меҳмон келган чоғда дилшод тут
ўзни,
Ҳар ҳасрат ва ғамдан озод тут ўзни!

Шудринг ҳар томчиси гар дур
бўларди,
Кўзмунчоқ тўлгандек бозор тўларди.

Нон егай кимки ўз меҳнатидин,
Халодир Хотам Той миннатидин.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

БЕМОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Пойтахтимизнинг Ақмал Икромов районидаги 8-поликлиникада беморларни даволашнинг янгича усули жорий қилинди. Бу мақсадда эрраклар ва аёллар учун иккитадан ҳоналар ажратилиб, улар худди касалхоналардагидек жиҳозланди. Бу жойларда хасталар

эрталаб келиб касалхонадаги каби муолажалар оладилар ва ичекурун эса уйларига қайта-верадилар. Тиббий тил билан айтганда, стационар даволанинчилардаги ўзига хос янгиллик bemorlarga анча қуляйлик яратди.

— Биз бошқа бир имкони-

яллардан ҳам фойдаланяпмиз, — деди поликлиника бош шифокори Ш. Мирзаев. — Яқиндан бошлаб оғир bemorlar қарияларининг уйларига бориб даволанинчиларни ўйла қўйдик. Даволаш мусасасида янги ташаббусларни амалда жорий этишда Ф. Каримова, Ш. Комилова, С. Холматова ва Н. Пўлатовалар, айниқса, жонкуярлик кўрсатишмода. Улар хизматидан bemorlар мамин.

С. МАҲАМАДУСМОНОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меднат Қизил Байрок орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИ

ҲАЁТДА табиат билимдонлари кўп. Усмон ота Туропов ана шундай ажобиб инсонлардан бири эди. У яқинда — 31 март — Хотира кунида тўсатдан вайфот этиди. Үқитувчиликдан чиққан У. Туропов узоқ йиллар жамоа хўжалигини бошқарди, қишлоқ Советига раҳбарлик қилди. У саксон ёшлигига нишонлашга тайёргарлик кўраётган эди. Афсус, насиб этмади. Усмон ота билан бир неча бор табиий ўт-ўланлар ҳақида, уларнинг дориворлик ҳислатлари хусусида сухбатлашган эдик. Бугув шундай сухбатлардан бирини муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз. Шояд унинг руҳи шод бўлса...

маҳал истемол қилинади. Далаҷой қутилмаси доринчоналарда ҳам сотилади. Ихчам қутичаларга битилган лавҳаларда ундан фойдаланиш йўллари тушунтириб берилган. Апрель охирлари, май ойи бошларида териб қутишиб олиш мумкин.

ЖАМБИЛ



ДАЛАЧОЙ

— Далаҷой ҳақида га пирсангиз?

— Далаҷойнинг номлари кўп. Уни одамлар қизилпойч, чойчўл, сариқ чой, чойчў деб ҳам атасади. Бўй анча баланд ўсади. Тог этакларида, адир жойларда, экинларга туташ майдонларда учрайди. Силлиқ ўқпоядан шоҳлайди, барглари бир-бирига қарама-қарши ёки доира бўлиб жойлашиди. Гуллари сариқ, шода шаклида.



— Энди қайси ўсимлик ҳақида сўз юритасиз?

— Узи ҳам ажойиб, ноғи ҳам чиройли — бу жамбил. Бўй 20—30 сантиметр бўлади. Пояси устидан шоҳлайди. Баргининг четлари текис, этдор. Гуллари пушти ранг, бошоқсимон, тўл-тўп. Жамбил апрель ойи охирларида яроқли бўлади.

У татимли зирвавор бўлганлиги учун ошкўк сифатида суюқ таомларга чакиб солинса, оҳ-оҳ, бунинг савобига не етсин...

— Бу ўсимлик ҳам дориворим?

— Астароқ айтасизми? Жамбил иштаҳани обдон уйғотади, йўтал, тумовнинг кушандаси, меъда шамоллашида, ич кетишида фоян фойдаланиди. Бу хасталикларда жамбилнинг учой қошиқ миқдорида уқалнамаси олинида ва иккичакан сувда қайнатилади, 30—40 граммдан уч маҳал ичилади.

Бизда жамбильдан ёз ойларида чалоб тайёрлаш одали бор. Бунда 200 грамм қатиққа 500 грамм қайнатилган сув қўшилади, бир чой қошиқда майдаланган жамбил, бироз райҳон, барра пиёз солиниб, обдон алаштириллади. Буни исчангиз, дунёга қайтадан келгандай бўласиз...

— Елирай!

— Беҳазил, эртага исбот қилиб бераман.

Судбатдош Р. УМАРОВ.

**Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.**

БАҲОСИ: Обуначига
6 тийин. Сотувда — 10 тийин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20, 21 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА

Чимкентлик ёш хушовоз хонандада

Одил КАРИМОВ

КОНЦЕРТИ

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-31, 44-29-04. Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-17-81, 44-17-84.

Чилтлар сотилмоқда.